

АРТЕРИАЛ ГИПОТЕНЗИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ НОАНЪАНАВИЙ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФЕРТИЛЛИККА ТАЪСИРИ

Нишонова Н.А.

Мамасолиев З.Н.

Андижон давлат тиббиет институти, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18466800>

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Артериал гипотониянинг келиб чиқиши, кечиши ва профилактикасининг сақланиб келинаётган эпидемиологик механизмларини ўрганиш мавзуси, турли аҳоли гуруҳларини минтақавий хусусиятларини ҳисобга олиб, эътибордан четда қолган ёки “замонавий илмий руҳда” ўрганилмаган. Касалликни бу босқичида тўлиқ даволаш ёки унинг келиб чиқишига тўғридан-тўғри алоқадор бош хатар омилни ажратиб олиш мумкин бўлади. Бунинг учун эса узоқ муддатли ва катта ҳажмдаги аҳоли (популяция) жалб қилиниб амалга ошириладиган проспектив эпидемиологик тадқиқотлар тавсия этилади. Ёки шу жиҳатдан замонавий фанни ривожлантириш ташхисот ва даволаш сифатини оширади, касалланиш ҳамда асоратларни ёки “охирги қаттиқ нуқталар”ни камайтириш имкониятини туғдиради [1;2].

Тадқиқотнинг мақсади. Артериал гипотензия (АГгипГ) билан беморларда ноанъанавий клиник белгилари тарқалиши, уларнинг ёшга боғлиқ динамикаси ва фертил ёшдаги аёлларда ҳамда хомиладорлик даврида клиник аҳамиятини баҳолаш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Дизайнига кўра проспектив эпидемиологик бўлган ушбу 5 та эпидемиологик тадқиқот Фарғона водийсининг Шахрихон, Хўжаобод, Андижон ва Пахтаобод туманларининг 18-74 ёшдаги эркак ва аёллар популяциясида бажарилди. Тадқиқотни ўтказишга Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг этика кўмитасидан рухсат ва тасдиқ олинган.

Жами 9345 нафар аҳоли текширилган, 18-74 ёшли эркак ва аёллар 10%-ли танлама билан ажратилган: Шахрихон туманидан-1085 та (эркаклар-528 нафар ва аёллар-557 нафар), Хўжаобод туманидан -1078 нафар (538 нафари эркаклар ва 540 нафари аёллар), Андижон туманидан -5000 нафар (эркаклар-2472 нафар ва аёллар-2528 нафар) ва Пахтаобод туманидан-2182 нафар (эркаклар-1069 нафар ва аёллар-1113 нафар). Текширув 1989 ва 2020 йиллари ҳамда 2024 -2025 йиллари бажарилган; унга илмий жамоа жалб қилинган, 31 йиллик ретропроспектив ва 5-йиллик проспектив эпидемиологик тадқиқот маълумотлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда эпидемиологик, биокимёвий, инструментал, фармакоэпидемиологик ва статистик текширув усуллари қўлланилган. Артериал гипотензия ва унинг хатар омилларини ташхислашда ЖССТ мезонлари (WHO, 2008) ҳамда умумқабул қилинган халқаро тавсиялар қўлланилди [3;4].

Материални статистик такрорий ишлаш усуллари. “Check-up” (яхлит тиббий кўрик) тамойили асосида ташкил этилган тадқиқотимизда олинган маълумотларга параметрик ва нопараметрик усулларда ишлов берилган. Маълумотларни тўплаш, тахрирлаш ва дастлабки маълумотларни тизимлаштириш ва визуализациялаш MateBook D14 “Huawei” персонал компютерида Windows 10 дастурий маълумотида, Microsoft Office Excel 2021 электрон жадваллари ёрдамида амалга оширилган. Статистик таҳлиллар IBM SPSS Statistics Base статистик пакетлар мажмуасининг проприетар лицензияга эга 27.0 талқинида (2020) ёрдамида амалга оширилган. Мақсадли тарзда

McNamara testidan, meъёрий таъсилот қонуниятига мос ўзгарувчиларнинг миқдорий кўрсаткичлари учун Paired t-test ёки Wilcoxon мезонидан, 3 ва ундан ортиқ миқдорий кўрсаткичларни таққослаш учун Repeated Measures ANOVA каби статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Натижа ва муҳокамалар. Ортостатик синкопе ёш ошиши билан кўпроқ қайд этилди: катта ёш гуруҳларида тарқалиш частотаси 30% дан ортиқ ҳолатларда кузатилди.

-Ҳаддан ташқари кўп терлаш умумий популяцияда 10,5% га етди, бу энг кўп 45–59 ёшлиларда намоён бўлди.

-Тана ҳарорати паст бўлиши белгиси энг кўп ҳолда 30–59 ёш гуруҳларида қайд этилди (2,0–2,5%).

-Фертил ёшдаги аёлларда АГгипГ ҳайз цикли ўзгаришлари билан боғлиқ бўлиб, 2,2–3,1% ҳолларда кузатилди.

-Хомиладорликда токсикозни кучайиши 18–29 ёшлиларда 1,1%, 30–44 ёшлиларда 1,3% частотада аниқланди; умумий популяцияда эса 2,4% га етди. Бу АГгипГ аёлларда репродуктив саломатликка салбий таъсир кўрсатишини кўрсатади.

-Умуман олганда, АГгипГ билан беморларда турли ноанъанавий клиник белгилари жами ҳолатларнинг 20–25% ни ташкил қилди.

Хулоса. Артериал гипотензия нафақат анъанавий клиник белгилари, балки ноанъанавий кўринишлари билан ҳам аҳамиятга эга бўлиб, айниқса катта ёшда ортостатик синкопе хавфини оширади. Фертилик ёшидаги аёлларда ҳайз цикли ўзгаришлари ва хомиладорлик пайтида токсикозни кучайиши гипотензия билан узвий боғлиқдир. Шу боис, АГгипГ клиник кечишини прогностлаш ва унинг асоратларини камайтириш мақсадида индивидуал профилактик ва даволаш дастурларини ишлаб чиқиш тиббий-ижтимоий аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: артериал гипотензия, ноанъанавий клиник белгилари, ортостатик синкопе, фертилик, токсикоз.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Бойцов С.А., Шальнова С.А., Деев А.Д. Эпидемиологическая ситуация как факторов, определяющий стратегию действий по снижению смертности в Российской Федерации //Терапевтический архив. –2020. №1. –С. 5 – 8.
2. Вилков В.Г., Баланова Ю.А., Капустина А.В. и др. Артериальная гипотензия и дожитие: диагностические критерии в популяциях Российской Федерации и Соединенных Штатов Америки //Российский кардиологический журнал. –2021; 26(5). С. 48 – 62.
3. Freeman R., Abuzinadah A.R., Gibbons C. Orthostatic Hypotension: JACCS Tate-of-the-Art Review //Journal of the American College of Cardiology. -2018. Vol. 72, № 11. P. 1294–1309. DOI: 10.1016/j.jacc.2018.05.079.
4. Nurmatova T. S., Mamasoliev N. S., Kurbonova R. R., Usmanova G. A. Epidemiological Description of Arterial Hypotonia in Adolescents (In the Example of Fergana Region) // RA Journal of applied research. 2021 Dec. Vol. 7, № 12. P. 85–95. DOI: 10.47191/rajar/v7i12.14. (116)